



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 18 октябрь, № 202 (6132)

Шанба

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 17 октябрь куни Оқсаройда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг ўринбосари, БМТ Тараққиёт дастурининг раҳбари Хелен Кларкни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, хусусан, БМТ Тараққиёт дастури билан самарали ҳамкорлик қилиб келаётганини таъкидлади. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида халқаро жараёнларда фаол иштирок этиб, долзарб масалалар, жумладан, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, унинг изчил ривожланишини таъминлаш,

атроф-муҳит муҳофазаси бўйича амалий ташаббусларни илгари сурмоқда. Сўхбат чоғида сўнги 20 йилда мамлакатимизда БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда умумий қиймати 184 миллион АҚШ долларидан зиёд 211 лойиҳа амалга оширилгани қайд этилди. Жорий йилда Ўзбекистонда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ва Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишга қаратилган кенг қўламли демократик,

суд-ҳуқуқ ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлашга доир ўттиздан ортиқ лойиҳа ҳаётга татбиқ этилмоқда. БМТ котибининг ўринбосари Ўзбекистоннинг иқтисодий ютуқларига, яъни мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ўсиш даражаси кейинги 10 йил давомида йилга 8 фоиздан зиёдни ташкил этаётганига юксак баҳо берди. Хелен Кларк Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг Бош котиби Пан Ги Мун номидан

дан шу йил октябрь ойининг охирида Урганч шаҳрида бўлиб ўтгадиган «Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш» мавзусидаги халқаро конференцияни қўллаб-қувватлашни билдирди. Ушбу халқаро анжуман Оролни қўтқариш халқаро жамғармасига раислик қилаётган Ўзбекистон томонидан таклиф этилган ва БМТ Бош ассамблеясининг 68-сессиясида расмий ҳужжат сифатида тарқатилган «Орол денгизи куришининг оқибатларини бартараф этиш ва Оролбўйида экотизимлар ҳалокатининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастури»ни амалга ошириш доирасида ўтказилмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлигини янада ривожлантиришга доир бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. (ЎЗА). Сарвар ҲУСНОВ олган суратлар.

## САЙЛОВ — 2014

2014 йилги сайловни ёритиш бўйича республика матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича округ сайлов комиссиялари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиялари раислари учун семинар бўлиб ўтди.

## САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ РАИСЛАРИ УЧУН СЕМИНАР

Унда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ходимлари, миллий экспертлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Семинар сайлов комиссиялари раисларининг миллий сайлов қонунчилиги ва уни амалда қўллаш, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича комиссиялар фаолиятини тўғри ташкил қилиш, улар олдида турган долзарб вазифалар, шунингдек, сайлов комиссияларини молиялаштириш тартибига қатъий риоя этиш тўғрисида хабардорлигини янада ошириш мақсадида ўтказилди.



Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов семинарнинг очар экан, мамлакатимиз парламенти ва давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайлов миллий сайлов қонунчилиги, унда мустақамланган очиклик, ошкоралик ва адолатлилик принциплари, шунингдек, 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастурига тўлиқ мувофиқ равишда ташкил этилиши ва ўтказилишини таъкидлади. Семинарда «Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигида киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти», «Округ ва вилоят сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича долзарб вазифалари», «Матбуот марказларининг сайлов кампаниясини тезкор ва ишончли ёритиш бўйича вазифалари», «Сайловни ташкил этиш ва ўтказишнинг халқаро стандартлари», «Округ ва участка сайлов комиссиялари ўртасида маблағларни тақсимлаш ва молиявий тартибни назорат қилиш», «Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови бўйича округ сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил этиш масалалари» мавзуларида маърузалар тингланди.

Семинарда «Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигида киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти», «Округ ва вилоят сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича долзарб вазифалари», «Матбуот марказларининг сайлов кампаниясини тезкор ва ишончли ёритиш бўйича вазифалари», «Сайловни ташкил этиш ва ўтказишнинг халқаро стандартлари», «Округ ва участка сайлов комиссиялари ўртасида маблағларни тақсимлаш ва молиявий тартибни назорат қилиш», «Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови бўйича округ сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил этиш масалалари» мавзуларида маърузалар тингланди. (Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Олий судида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг ўринбосари, БМТ Тараққиёт дастурининг раҳбари Хелен Кларк билан учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг ўринбосари, БМТ Тараққиёт дастурининг раҳбари Хелен Кларк билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда Президент Ислам Каримов томонидан баён этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини мустаҳкамлаш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида сўз юритилди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Ш. Ҳазиев давлатимиз раҳбари раҳнамолигида Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Мамлакатимизда БМТ билан ҳамкорликда суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам қатор дастурлар, қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. 2010 йил 16 декабрда Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази ва БМТ Тараққиёт дастури ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланган. (Давоми 2-бетда).

## БУЮК ТАРИХИМИЗ КЎЗГУСИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан юртимизда Соҳибқирон Амир Темурийлар табаррук номини тиклаш йўлида залворли қадамлар қўйилди. «Амир Темурийлар» ордени таъсис этилгани, Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабзда бобокалонимизга ҳайкаллар ўрнатилгани ана шундай шарафли ишлардандир. Қолаверса, 1996 йилга «Амир Темурийлар» дея ном берилди. Худди шу йилда эса Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан йирик халқаро тадбирлар ўтказилди. Париждаги ЮНЕСКО қароргоҳида ташкил этилган юбилей тантаналари жаҳон миқёсида, айниқса, муҳим аҳамият касб этди.



## 18 ОКТАБРЬ — ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ ОЧИЛГАН КУН

Бундан роппа-роса 18 йил муқаддам пойтахтимиз марказида Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида қад ростлаган Темурийлар тарихи Давлат музейи ҳам бобокалонимизга кўрсатилган юксак эҳтирอมнинг яққол ифодасидир. Бетақор меъморий ечимга эга музей биноси Шарқ меъморчилигининг темурийлар даврига хос

ҳамда замонавий услубларни ўзида мужассам этган. Давлатимиз раҳбари 1996 йилнинг 18 октябрида — ушбу маънавий кошонасининг тантанали очилиш маросимида таъкидлаганидек, «...Амир Темурийлар хўбони гўзал бир узук бўлса, бу музей шу узукнинг ёқут кўзидир». Бундай таъриф ушбу кошонанинг наинки кўрк-таровати, айна чоғда

ундаги қадимий, ноёб осориюмиданинг моҳияти ва аҳамиятига ҳам тааллуқлидир. Бинонинг умумий кўриниши, ички безаклари, заллари бу ерга ташриф буюрувчиларни асло бепарқолдирмайди. Музей биносининг айланаси бўйлаб жойлашган айвонни оқ устунлар кўтариб турибди. Ташки деворига эса эзгу-

ликка ундовчи — Адолат, Итоат, Зарофат, Маърифат, Диёнат, Оқибат, Марҳамат, Қадрият, Садоқат, Муваффақият, Матонат, Муруват, Шижоат ва Машварат сўзлари битилган. Уч қаватдан иборат музейнинг биринчи қаватида хазинахона, кутубхона, анжуманлар зали, маъмурият жойлашган. Иккинчи қаватдаги девор маркази-

дан «Буюк Соҳибқирон — буюк бунёдкор» деб номланган панно жой олган. Учтинчи қаватга эса Марказий Осиё тарихининг то Соҳибқирон давригача бўлган ва темурийлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи экспонатлар, ранг-баранг осориюмидани ўрнатилган. (Давоми 2-бетда).

## 21 ОКТАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА»ГИ ҚОНУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

Тил — бениҳоя беназир бир тилсим, унда инсондай мураккаб ва мухташам мавжудотнинг азалий ва абадий моҳиятига дахлдор аъдасиз синоатлар яширинган. Одамзоднинг ақлий ва маданий-руҳий ташаккули, мунтазам тадрижий тақомилидаги бирламчи асос тилдир.

## МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ МУҚАДДАС ТИМСОЛИ

Менлик туйғуси ҳам, қавмлик қайғуси ҳам, биробарин, миллатнинг ўзлик идроки, яъни қавмни ҳар қандай бало-қазолардан кўришга қўришга ҳам айнан тилга кўра тугиладиган ва яшайди. Ўзбек тили Ер юзидagi ўта қадим ва бой тиллардан биридир. Бир неча минг йиллик маданиятимиз тарихида халқимиз баъдий тафаккури ва тиллимиз кудратининг маҳсули сифатида юзага келган нафис сўз санъати дурдоналари беҳисоб. Уларнинг аксарияти аср-

лар оша туркий тафаккур теранлиги ва тахайюл бепоёнлигининг мухташам обидалари ўлароқ жаҳон сўз ганжинасининг тўрида кўр тўкиб турибди. Аммо, таассуф билан айтиш лозимки, истибод исканжасида ўтган яқин бир ярим асрлик тарихимизда халқимиз билан бирга унинг тили ҳам ҳақуқларидан мосуво бир ҳолда қолди. Бундан чорак аср муқаддам, 1989 йилнинг 21 октябрида «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ўша даврда мам-

лакатнинг биринчи раҳбари сифатида иш бошлаган Юртбошимиз ташаббускорлиги ва раҳнамолигида Ўзбекистоннинг мустақиллиги сари қўйилган илк расмий ва дадил қадам бўлганлигини ифтихор билан таъкидлаш лозим. Бу Қонун билан ягона Ватани Ўзбекистон бўлган ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишини Президентимиз ҳақли равишда «Ватанимиз тарихида том маънодаги буюк воқеа эди», деб таърифлаган. (Давоми 4-бетда).

## Кўрккам уйлар файзи

Нукус тумани ва шаҳри бир-бирига туташ ҳудудда жойлашган. Илк бор Оролбўйига ташриф буюрган киши дафъатан улар ўртасидаги тафовутни англаши қийин. Истиқлол уйларида бу ерда юз берган туб ўзгаришлар, қад ростлаётган мухташам бинолару гўзал кошоналар туфайли кишлоқлар ҳам шаҳарлар билан бўйлашмоқда.

## БУНЁДКОРЛИК

Дарҳақиқат, кейинги йилларда замонавий лойиҳалар асосида қуриладиган кўрккам уй-жойлар юртимиз кишлоқлари қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Ушбу аҳоли массивлари ва улар атрофида барпо этиладиган индустриалар одамлар турмушига ўзгача файз бағишлаётгани ана шундан далолат беради. Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги «Кишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Бугун барча қулайликларга эга обод ва мухташам уйларда яшаётган хонадон соҳибла-

рининг қай бири билан суҳбатлашманг, улар фаровон ҳаётдан гурурланиб сўзлайди. — Узунқўл мавзесида қурилган замонавий тураржойларнинг бирига кўчиб ўтдик, — дейди Нукус туманидаги «Кўнғиротбой-Меҳри» фермер хўжалиги раҳбари Есенбой Айтмуратов. — Оролбўйи иқлимига мослаб бунёд этилган уйимиз хоналари кенг ва ёруғ. Газ, сув, электр энергияси ҳамда бошқа муҳандислик тармоқларига уланган. Бу қулайликлардан бошимиз осмонга етди. Айниқса, фарзандларимнинг қувонганини айтмайсизми?! Шуманай туманилик Уснатдин Ембергенов — ўз бизнесини муваффақиятли йўлга қўйган тадбиркорлардан бири. Ёш ишбилармон

турмуш ўртоғи Феруза Отажонова билан икки нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказмоқда. Ўзтиборлиси, ҳозирги кунда мазкур оила ҳам ана шундай намунавий тураржойда истиқомат қилаяпти. — Янги уйда ҳовли тўйини нишонладик, — дейди Уснатдин. — Ҳаётимизнинг энг бахтли ва унутилмас тантанасига ташриф буюрган барча қариндош-уруғларимиз шаҳардагидан қолишмайдиган хонадонимиздаги шарт-шароитларни кўриб, бизга ҳавас қилишди. Кўнғирот тумани ҳудудига қираверишда, йўлнинг ўнг томонида барпо этилган замонавий тураржойлар «Кўнғирот» кишлоқ фуқаролар йиғинидаги Гулистон мавзесида қарашли. — Ростки, кишлоқда шундай мухташам, чиройли уйлар қурилиши тушимизга ҳам кирмаган эди, — дейди янги хонадон бекаси Ойжамол Рейнова. — Бугун эса ана шундай ҳовли-жой соҳибаси бўлганимдан беҳад хурсандман. (Давоми 2-бетда).





